Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2012 йил 16 ноябрь • № 46 (911)

*Эътибор ва эътироф*

## БИЛИМ, САЛОҲИЯТ ВА ТАЖРИБА...

***Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётир.***

***Шу мақсадда жорий йилнинг 10 ноябрь куни Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Адҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар инсон ҳаёти, саломатлиги ва манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлаётгани, бу борада Юртбошимизнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тизимни такомиллаштириш, соҳада янгича услублар, илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, тиббиёт ходимлари меҳнатини қадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятлар муносиб рағбатга

**(Давоми 2-бетда).**



*Семинар*

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПОЙДЕВОРИ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида “Жисмоний тарбия ва спорт – соғлом авлодни шакллантириш пойдевори” мавзуидаги республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Йиғилишни кириш сўзи билан очган Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов республикамизда ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, айниқса болалар спортини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолиги билан амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар бир маҳалла, оила ва кенг жамоатчилик орасида кенг татбиқ этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, шу қаторда болалар спортини ривожлантириш масалаларига ҳам юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси туфайли кейинги ўн йил ичида муваффақиятли натижалар қўлга киритилди. Бу жараёнда, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида», 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2007 йил 12 декабрдаги «2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2010 йил 15 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусиқа ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида», 2010 йил 1 апрелдаги «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2011 йил 19 январдаги «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрлар

**(Давоми 3-бетда).**

**Расмий веб-сайтимиз: www.uzssgzt.uz * Электрон манзилимиз: info@uzssgzt.uz**

Эътибор ва эътироф

# БИЛИМ, САЛОҲИЯТ ВА ТАЖРИБА...

## КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

**"Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" республика кўрик-танлови натижаларига кўра, 1-ўрин Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани "Исковот"**, **2-ўрин Бухоро вилояти Бухоро тумани "Шергирон"**, **3-ўрин Фарғона вилояти Олтиариқ тумани "Катпут"** қишлоқ врачлик пунктларига насиб этди.

**Шунингдек,** Сурхондарё вилояти Денов туманидан "Кўчакли", Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан "Бахштепа", Навоий вилояти Нурота туманидан "Янгиобод", Хоразм вилояти Урганч туманидан "Чоткўпир", Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидан "Дўстлик", Андижон вилояти Асака туманидан «Марқаюз», Сирдарё вилояти Оқолтин туманидан «Фарғона», Жиззах вилояти Зарбдор туманидан "Равот", Қашқадарё вилояти Қамаши тумани "Бердали", Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидан "Ўртасарой" қишлоқ врачлик пунктлари танлов мукофоти лауреатларига айланишди.

**"Энг намунали оилавий поликлиника" танлови якунига кўра,** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 39-оилавий поликлиникаси ғолиб деб топилди.

**"Энг яхши умумий амалиёт шифокори" республика номзодлар танлови бўйича 1-ўринга** Қашқадарё вилояти Ғузор тумани "Қоркўмди" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи Феруза Мустанова, **2-ўринга** Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани "Худайқулобод" қишлоқ врачлик пункти мудири Ҳусниддин Худаяров, **3-ўринга** Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани "Кавардон" қишлоқ врачлик пункти мудири Санобар Узоқова, Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани "Ғазават" қишлоқ врачлик пункти мудири Меҳрибон Юсуповалар сазовор бўлишди.

**"Энг яхши патронаж ҳамшира" республика номзодлар танлови бўйича 1-ўрин** Андижон вилояти Асака тумани «Арғин» ҚВП патронаж ҳамшираси Дилнозахон Аҳмадалиевага, **2-ўрин** Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани "Гултепа" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Зебо Хўжаназарова, **3-ўрин** Сирдарё вилояти Сардоба тумани F. Ғулом номли қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Тўлғоной Чўтанова ва Жиззах вилояти Жиззах тумани "Оқтош-геология" қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Гавҳар Пармановаларга насиб этди.







(Давоми. Боши 1-бетда).

сазоворлигини гапириб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ва бошқалар соҳадаги самарали ишлар хусусида тўхталар экан, аввало ушбу муваффақиятларга эришишда тиббиёт ходимларининг алоҳида меҳнати борлигини эътироф этди. Бунинг баробарида тиббиётнинг инсон ҳаёти учун нақадар зарур эканлиги ва унинг ҳар бир йўналиши ўзига хос янгилик ва изланишларга бойлигини, бундай шароитда эса илмий салоҳиятга эга, иқтидорли ёшларни соҳага кенг жалб этиш масаласи долзарб эканлиги хусусида тўхталиб ўтилди. Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Мамазоир Хўжамбердиевлар тизимдаги амалий ислоҳотларга баҳо берар экан, мазкур фаолиятлар кўламини кенгайтириш ва юксалтиришда тиббиёт ходимларининг ҳам бирдек масъулияти борлигини таъкидлаб, уларни касб байрамлари билан самимий қутладилар.

Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан соҳа мутахассислари байрамининг қабул қилиниши ва ҳар йили кўтаринки руҳда нишонланиши уларнинг касбларига бўлган иштиёқ ва қизиқишларини, ишчанлик масъулиятлари ошишига хизмат қилмоқда десак, янглишмаган бўламиз. Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳар йили байрам арафасида тизимга ўзининг самарали меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ва касбий малакага эга бир гуруҳ мутахассислар ушбу кўкрак нишони билан тақдирланиб келмоқдалар. Мазкур байрам арафасида ҳам республика тиббиёт муассасаларида астойдил меҳнат қилаётган ходимлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар. Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги соҳанинг ҳар бир йўналишига алоҳида эътибор қаратаётганлиги фаолиятдаги муваффақиятларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, «Соғлом она – соғлом бола» миллий моделини амалга ошириш жараёнида замонавий скрининг ва перинатал марказлар тармоғи ташкил этилди. Натижада мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 62,9 фоизга етди.

Бундай ютуқлар ҳатто Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Қишлоқ жойларида тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган Инвестиция дастурлари амалга оширилмоқда. Уч минг икки юзта қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. «Саломатлик-1», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада қишлоқ врачлик пунктларида профилактика ишларини самарали ташкил этиш баробарида касалликларга ташҳис қўйиш ва муваффақиятли даволашга эришилмоқда.

Жорий йилда яна йигирмадан зиёд ана шундай замонавий бирламчи тиббий-профилактика муассасалари барпо этилмоқда. Улардан бири Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги «Исковот» қишлоқ врачлик пункти мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Бу муассаса ўн мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Икки нафар умумий амалиёт шифокори ва ўн тўққиз нафар ҳамшира қишлоқ аҳолисининг саломатлигини асраш йўлида фидокорона хизмат қилмоқда. Таълим масканларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. ҚВПда аҳоли, хусусан, репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўригини юқори савияда ташкил этишда ЭКГ, доплер ҳамда замонавий лаборатория таҳлил аппаратларидан самарали фойдаланилмоқда.

Мазкур бирламчи шифо маскани Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти – 2012» танловида биринчи ўрин соҳиби бўлди ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди.

*– Мен йигирма беш йилдан буён соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайман,* – **дейди «Исковот» қишлоқ врачлик пункти мудири Малика Эралиева.** *– Илгари қишлоқларда кичкинагина «медпунктлар» фаолият юритар, бундай муассасаларда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун имкониятлар етарли эмас эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишга қаратаётган доимий эътибори туфайли энг чекка қишлоқларда ҳам аҳолига замонавий андозалар асосида тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди ва зарур тиббий воситалар билан таъминланди. Мен ана шундай замонавий тиббиёт масканида фаолият юритаётганимдан фахрланаман. Ушбу танловда эришган ютуғимиз бизга янада куч-ғайрат бағишлайди.*

Шу жумладан, тизимнинг бирламчи бўғинидаги ишларнинг самарадорлиги ошиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат даражаси яхшиланиб бормоқда. Албатта бундай ижобий натижаларнинг юзага келишида бирламчи бўғинда хизмат қилаётган шифокор ва ҳамшираларнинг ўрни беқиёс эканлигига барчамиз гувоҳ бўлиб келмоқдамиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Қашқадарё вилояти Ғузор тумани «Қоркўмди» қишлоқ врачлик пункти шифокори Феруза Мустанова «Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори», Андижон вилояти Асака тумани «Арғин» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Дилноза Аҳмадалиева «Йилнинг энг фаол патронаж ҳамшираси» номинациялари бўйича ғолиб бўлди.

*– Аввало, ҳамширалик касбини танлаб, халқимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман,* – **дейди «Арғин» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Дилноза Аҳмадалиева.** *– Айниқса, ҳамширалик ишининг такомиллашиб бораётганлиги касбимизга бўлган қизиқишимизни янада оширмоқда. Бундан ташқари, узлуксиз таълим жараёнларининг қўлланилаётганлиги ҳам билим ва малакамизни доимий равишда мустаҳкамлаб, аҳоли билан янада чуқурроқ ишлашимизни тақозо этмоқда. ҚВПмизда фуқаролар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, аҳолининг тиббиётга ишончи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бугунги байрам тадбирида камтарона меҳнатларимни инобатга олган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Энг яхши патронаж ҳамшира» танловида фахрли биринчи ўринга муносиб деб топилганим, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланганим касбимга бўлган меҳримни янада оширди. Бу мукофот биргина менга эмас, балки бутун жамоам ва устозларим меҳнатига берилган баҳо деб биламан.*

**Шунингдек, мазкур байрам тадбирлари республикамизнинг барча тиббиёт муассасаларида кўтаринки кайфиятда кенг нишонланди. Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.**

**Ибодат СОАТОВА.**
**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Семинар

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПОЙДЕВОРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

юртимиз шаҳар ва қишлоқларида болалар спортини ташкил этишда асосий ҳужжат сифатида хизмат қилаётганини таъкидлаш ўринли.

Семинарда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришда жисмоний тарбия ҳамда спортнинг тутган ўрни, унинг ўқувчилар саломатлиги ва ривожланишига таъсирини баҳолаш мониторинг натижалари таҳлил қилинди. Шунингдек, 2003-2012 йилларда Болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Маълумки, ҳар йили Президентимиз Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтади. Унда ҳам бевосита ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, ўқувчи-ёшлар спортини ривожлантириш борасидаги фаолиятлар сарҳисоб қилинади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт ўйинлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етиши баробарида, жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини ҳимоялашга қодир ўғил-қизларни тарбиялаш йўлида ҳам муносиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда барча таълим масканларида, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам болалар спортини ривожлантиришга кенг йўл очиб берилганлиги



иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ўқувчи-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спорт билан ҳамнафас яшашга ундаш, бунинг баробарида юксак маҳоратга эга спортчи болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам кенг урғу бериш лозимлиги таъкидланди.

Семинар сўнгида болалар спортини ривожлантириш борасидаги фаолиятлар натижаси умумлаштирилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Ибодат СОАТОВА.**

Долзарб мавзу

# АХБОРОТ АЛМАШИНУВИДАГИ ҚУЛАЙЛИК

## фақат эзгуликка хизмат қилсин

Замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бугун фанда яратилган бирор-бир янгилик эртасига бутун дунёга тарқалаяпти, индинига эса ўша ихтиронинг янада такомиллашган намунаси пайдо бўлмоқда. Буни, шубҳасиз, ахборот алмашинувидаги замонавий коммуникация технологиялари иштироки билан боғлашимиз мумкин. Глобал тармоқ ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга маълумот жўнатиш учун эса сониялар ўзи кифоядир.

Албатта, замонавий технологиялар орасида компьютернинг ўрни беқиёс. Унинг фаолияти доирасида юзага келган интернет глобал тармоғи эса инсоният ҳаётида, аниқроғи, ахборот алмашинуви соҳасида кескин ўзгаришларни пайдо қилди. Бугунги кунда интернет барча соҳа вакиллари учун тезкор, қулай воситага айланиб улгурди ва иш фаолиятида унинг беминнат хизматидан фойдаланувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Аммо...

**ОҚ ВА ҚОРА**

Афсуски, ахборот алмашинуви соҳасидаги бу янгиликнинг жамият учун фойдаси билан бирга зарари ҳам кўпайиб бормоқда. Интернет сайтларида маънавий таҳдидга, ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари тобора авж олмоқда. Баъзи бир ғаразли кучлар томонидан бу борада турли усул ва услублардан фойдаланиб келинаяпти. Ахборот хуружларининг ёлғон ахборот тарқатиш, онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган урфларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш, кибертерроризм каби турлари кенг тарқалмоқда.

Бугунги замон глобаллашуви жараёнида кимки ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади, деган ибора бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда ядро қуроли ишлаб чиқариш бўйича дунёда йигирмага яқин давлатда ҳаракатлар давом этаётган бўлса, 120 дан ортиғида ахборот хуружларини уюштириш устида иш олиб борилмоқда. Тасаввур қилиб кўринг: бунинг учун миллионлаб доллар маблағлар сарфланиб, махсус ходимлар бош қотираётир.

Давлатимиз раҳбари матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикларида “...Биз одамларнинг интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Такрор бўлса-да, айтмоқчиман – ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас. Шу билан бирга бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди”, дея бежиз таъкидлагани йўқ.

Дарҳақиқат, глобал тармоқнинг зарарлари деб, у яратган қулайликлардан ҳам воз кеча олмаймиз. Бугун глобал ахборот маконига реал кўз билан қарасак, жамоатчиликни хавотир ва ташвишга солиб келаётган муаммолардан бири, шубҳасиз, ахборот маконида носоғлом манфаатлар, зиддият ва қарама-қаршиликлар таъсиридаги агрессив, миллий ахборот маконимизга, маънавий қадриятларимизга ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ғоямизга мутлақо зид бўлган ахборотлар оқимининг кириб келаётганидир. Бунинг олдини олиш учун эса ёшларимиз онгини эгаллашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга, миллий манфаатларимизга рахна солишга, маънавиятимизга тажовуз қилишга, умримиз мазмуни бўлган тарихий хотирамизни бузишга уринаётган ғаразли кучларга қарши доимо огоҳ туришимиз даркор. Ана шундагина бизни ҳеч ким, ҳеч нарса ўз танлаган йўлимиздан ортга қайтара олмайди ва биз кўзлаган улуғвор мақсадларимизга албатта етамиз.

Сир эмаски, ахборот соҳаси либераллашаётган ҳозирги пайтда узоқ ва яқин минтақалардаги турли хил сиёсий, мафкуравий ва бошқа ғаразли кучлар ўз манфаатлари йўлида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, асосий қурол бўлмиш интернет ахборот эркинлигини суиистеъмол қилган ҳолда ахборот таҳдидлари орқали ҳали онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни чалғитиш, уларнинг онги ва қалбини эгаллашга уринмоқда.

**ЭРТАГА КЕЧ БЎЛМАСЛИГИ УЧУН...**

Шуни унутмаслик лозимки, бугун бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган даражада улкан зиён етказиши мумкин. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, илмий асосда пухта ташкил этилган ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш лозим. Токи ёшларимиз миллийлигини сақлаб қолган ҳолда, дунёни чуқур англайдиган, давр шиддати билан бақамти қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда ахлоқ-одоб тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар юртдошларимизга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда айтган қуйидаги сўзлари ҳам бизни теварак-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга янада теран назар ташлаб, мушоҳада қилишга, оқни қорадан ажратишга ундайди: “Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки, ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишни бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади”.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистонда қўлга киритилаётган салмоқли ютуқлар, барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг юксак натижалари ва самаралари жаҳон ҳамжамиятини ҳайрат ва ҳавасга солмоқда. Мамлакатимиз тараққиётидаги бу тарихий воқеликларнинг боиси, албатта, эркин ва озод, тинч-осойишта ҳаётимизнинг мевасидир. Тарихий хотира ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш, бой миллий меросимиз ва қадриятларимиз, урф-одат, анъаналаримизни эъзозлаш, давлатимизни тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун фуқароларимизда дахлдорлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

**Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, келажаги буюк, эртанги куни порлоқ юртга ҳар томонлама соғлом, маънан етук ёшлар зарур. Бежиз эмаски, бугунги кунда ёш авлод тарбиясига бўлган эътибор мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртбошимизнинг “Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираяпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман”, деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам. Шундай экан, ҳар биримиз замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланаётганда, ахборот хавфсизлиги қоидаларига қаттиқ риоя қилишимиз даркор. Қайси манба ишончли-ю, қайси бири ифвогарлик билан шуғулланишини фарқлай олмоғимиз лозим. Бунинг учун қалбларимизда доимо огоҳликка чорловчи қўнғироқлар бонг уриб туриши керак.**

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

*(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги остида тайёрланди).*

Устозларга эҳтиром

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА БАХШИДА УМР

***Шундай инсонлар борки, уларни қадрлаб, қанчалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатсанг ҳам камлик қилади. Бунинг исботи сифатида айтиш жоизки, инсоннинг қадр-қиммати ўз ўтмишига эга бўлиб, уни ва ҳаёт йўлини ёдга олмаслик бизнинг қадриятларимизга тўғри келмайди.***

***Мамлакатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг ижроия кенгаши 149-сессиясида сўзлаган нутқида илдизлари асрлар қаърига туташган, 3000 йилдан кўҳнароқ Ўзбекистон тарихига берилаётган эътиборни, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишини мамнуният билан қайд этди. Шундай экан, аждодлар меросини авлодларга етказмоқ, албатта, шарафлидир, шу билан бирга масъулиятли ҳамдир.***

***Қуйида илм-фан, инсон саломатлиги йўлида умрини бахшида этиб, "устоз-шогирд" мақомига муяссар бўлган, мустақиллик йилларида хизматлари эъзоз топган тўрт авлод олимлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.***

**Устозлар сардори**

Инсон камолга етгани сайин, ҳаётни қанчалик мураккаб ва машаққатли эканлигини чуқурроқ тушуниб бораверади. Демакки, яхши кунлар мазмунини ҳам, қолаверса, тақдирнинг турли синовлари ўз таъсирини ўтказиб, ҳаёт фалсафасини шакллантирганлигини янада теранроқ англаб етади.

Ана шундай инсонлардан бири тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими ва фан арбоби, таниқли олим Рауф Абдуллаевич Абдуллаевдир.

Рауф Абдуллаев 1912 йилда Наманган вилояти Поп туманидаги Хўжаобод қишлоғида таваллуд топган. 1927 йилда мактабни тугатиб, Фарғона тиббиёт техникумига ўқишга кирди. 1930 йилда эса Самарқанд Давлат тиббиёт институтига қабул қилинди. Олий ўқув юртини тугатгач, Самарқанд тумани «Боғишамол» қишлоқ врачлик шохобчасида иш бошлади.

Қисқа вақт ичида самимийлиги, касбининг моҳир билимдони Рауф Абдуллаевич "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. 1941 йилда ҳарбий хизматда бўлиб, дастлаб Эрондаги тиббиёт-санитария қисмида бошлиқ, сўнг Ўрта Осиё ҳарбий округи кавалерия дивизияси, Ғарбий фронт санитария бошқармасига қарашли 757-санитария қисмида масъул лавозимларда ишлади. Хизмат вақтида Волоколамскда оғир ярадор бўлди.

Рауф Абдуллаев ҳарбий хизматдан қайтгач, Самарқанд тиббиёт институтининг госпиталь-терапия кафедрасида ассистент, доцент, кейинчалик республика клиник шифохонаси бош шифокори вазифаларида ишлади. 1945 йилда эса узоқ йиллик меҳнати инобатга олиниб, тажрибали мутахассис Самарқанд тиббиёт институти директори этиб тайинланди.

Устозимиз 1951 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўқув-илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва терапия кафедрасида доцент вазифаларида ишлади. Узоқ йиллик илмий изланишлари натижасида 1956 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. 1961 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида II терапия кафедрасини ташкил этиб, ўттиз йилдан ортиқ раҳбарлик қилди.

Олим раҳбарлигида нафақат юртимиз, балки ҳамдўстлик давлатларидан келган олти мингдан ортиқ шифокор-терапевт малакасини оширди, шунингдек 116 нафар врач клиник ординатурани, 25 нафари аспирантурани битириш бахтига эришди. Бундан ташқари, йигирмадан кўп киши номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаган.

Ўз билими ва илмий салоҳияти билан тиббиёт ривожига ҳиссасини қўшган олимнинг шогирдлари бугунги кунда устози ишини давом эттириб, эл саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда. Улар орасида дунёга танилган олим, тиббиёт фанлари доктори, академик Абдулла Убайдуллаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилбар Маҳмудовани ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Р. Абдуллаев турли ички касалликларнинг олдини олиш ва даволашга бағишланган илмий-оммабоп рисолалар, 150 дан ортиқ ишлар муаллифидир. Олим кўплаб давлатларда бўлиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилган. Унинг маърузалари инглиз ва француз тилларида конгресс ишларида чоп этилган.

Р. Абдуллаевнинг саъй-ҳаракати билан Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб ички касалликлар бўйича сайёр сафарлар ташкил этила бошланди. Кафедра ходимлари томонидан вилоятларга чиққан ҳолда бир ой давомида у ердаги шифокорларга малакасини ошириш бобида амалий ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Тошкентда шифокор-терапевтлар учун икки йиллик кечки университет ташкил этилиб, бундан кўзланган асосий мақсад амалиёт врачларини замонавий тиббиёт ютуқлари билан таништириш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва олдини олишдан иборат эди.

Рауф Абдуллаевич ўзбек халқи ўз она тилида ўқиб, бахра оладиган бирор-бир журнал бўлишини орзу қилган. Бу борадаги унинг таклифи инобатга олиниб, 1990 йилда "Сиҳат-саломатлик" журнали чоп этила бошланди.

Ўзбек юртининг забардаст олими Рауф Абдуллаевич машаққатли, шу билан бирга нурафшон йўлни босиб ўтди.

... Ҳаёт давом этаверади. Ўтмиш билан ҳозирни боғлаб турган шогирдлар борки, олимнинг номи ва илми абадий бўлиб қолаверади.

**Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**академик.**

# ЗАМИН САРВАРИ ИНСОНДИР

***Бу замин не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган. Замин сарвари эса инсондир. Ўтган асрнинг 50-йилларида ҳаёт фаолиятини бошлаб, изланиб-ахтариб, XXI аср бўсағасида номи юртидан узоқ-узоқларгача етган инсон Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев замонамизнинг таниқли вакилларидан бири. Дарҳақиқат, Абдулла Убайдуллаев тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фанлар академияси академиги, кўплаб мукофотлар, унвонлар соҳиби бўлиши билан бирга, дунё миқёсида эътиборга тушган олим ва ташкилотчидир. Халқаро сил ва ўпка касалликларига қарши кураш ҳамда "Интер-астма" иттифоқлари аъзоси.***

Устознинг босиб ўтган йўлларини ўрганар эканмиз, ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ. Абдулла Убайдуллаев муваффақият билан институтни тугатади. Истак ва хоҳишлари етук шифокор бўлиш эди, яхши инсонлар бунга йўл очиб берди. Номзодлик диссертациясидан кейин докторлик илмий ишига киришиб, устозлари маслаҳати билан Москва шаҳридаги А. Л. Мясников номидаги кардиология институти докторантурасига қабул қилинди.

Устозимиз илмий салоҳият йўлидаги фаолиятларга қаттиқ киришиб, диссертация устида машаққатли изланишларни бошлаб юборди. Диссертация мавзуси кенг қамровли бўлиб, артериал гипертониянинг буйраклар хасталиги билан боғлиқлиги борлигини ҳисобга олганда, ҳамкасблари ҳамкорлигида беморлар буйракларидан биопсия усулида тўқимани текширишга олишади, аортография текшируви усули бажарилади, шунингдек мураккаб биокимёвий ва электрофизиологик таҳлиллар ўтказилиб, томирлардаги атеросклеротик ўзгаришлар моҳияти аниқланади.

Қилинган меҳнат самарасиз кетмади. Ниҳоят 1974 йилда А. Убайдуллаев диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унга яқиндан ёрдам берган И. Шхвацабая, Н. Ратнер ва М. Бавинани устоз деб улуғлайди.

Бронх ўпка тизими касалликлари юқори бўлган бир пайтда табиатан зийрак инсон Абдулла Муҳаррамович бу борада дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни англаган ҳолда, шу соҳада изланишларни бошлади ва самарали натижаларга эришди.



Домланинг буюк мақсадлари инсон саломатлиги йўлида курашдан иборат эди. Ҳаракатлар эса зое кетмади. 1977 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида клиник пульмонология кафедраси ташкил қилиниб, бу ерда ўтган вақт давомида минглаб терапевтлар, пульмонолог ва педиатрлар тайёрланди.

Аммо домла кафедра ишлари билан чегараланиб қолмади, унинг илм осмонидаги парвозлари янада юксакликка кўтарилди. 1986 йилда эса Сил илмий-текшириш институтига директор лавозимига тайинланди.

Маълумки, ушбу институт тамал тошини йигирманчи асрнинг буюк олими, улуғ инсонийлик, чексиз маданият ва саховат соҳиби, академик Шокир Алимович Алимов қўйган.

Абдулла Муҳаррамович бу ердаги фаолиятини ҳам кенг кўламда ва дадил бошлади. Ўзбекистон фан ютуқларини хорижга олиб чиқиш, машҳур олимлар эътиборига ҳавола қилиш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилган нуфузли анжуманларда чиқишлар қилди. Дунё таниган олимлар А. Хоменко, П. Садуль, Г. Федосеев, Н. Путовлар билан ҳамкорликда ишлади.

Унинг фаолиятида яна бир улкан йўналиш – ёш ва иқтидорли мутахассисларни жамлаган ҳолда ўпканинг носпецифик касалликлари билан боғлиқ муаммолар ечимига қаратилган эди. Бу борада, маълумки, муаммолар жуда кўп бўлган, шу жумладан оғир иқлим шароити, заҳарли кимё моддалари йиллар давомида минглаб тонналарда ишлатилиши, экологик ҳолатнинг кескин издан чиқиши ва ниҳоят Орол муаммоси. Бу муаммолар глобал бўлиб, ҳар бирининг ечими учун ўнлаб лабораториялар, юзлаб олимлар узоқ йиллар тинимсиз изланишлари керак эди. Абдулла Муҳаррамович чўчимади. Шогирдлари билан узоқ йиллар самарали ишлади.



Домла раҳбарлигида поёнига етказилган изланишлар ўта салмоқли бўлиб, натижалар нуфузли анжуманларда кўп марта тақдим этилиб, ҳар сафар юксак баҳо берилди. Элликка яқин киши фан номзоди ва доктор илмий даражаларига муносиб топилди. А. Убайдуллаев эса 2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги бўлди.

Олим ўпкадан ташқари аъзолар сили муаммолари билан ҳам тубдан шуғулланди. Чунки силнинг бу турларида инсон бир умрга кўр, фарзандсиз ёки тўшакка михланиб қолиши домлани кўп ўйлантирган. Шунингдек, шогирди М. Валиева билан аёллар жинсий аъзолари сили диагностикаси ва давосига оид муаммолар ечимини топди. М. Ҳакимов ва З. Рашидовларга бош бўлиб сийдик ажратиш аъзолари силининг нозик диагностик усуллари ҳамда давосини ишлаб чиқди. Ш. Йўлдошев билан болалар ва ўсмирлар ўртасида суяк-бўғим силини эрта аниқлаш, жарроҳлик даволаш ишлари самарасини оширишга бағишланган кенг кўламли илмий ишларни поёнига етказди.

Мен ҳам А. Убайдуллаевнинг шогирдлариданман. Устозимга эргашиб, кам бўлмадим, уларнинг ёрдамларида фан доктори, профессор даражасига етишдим. Эл орасида "олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деган ибора бор. Назаримда, олим бўлиш унчалик осон бўлмасада, аслида одам бўлиш ўта қийин, мураккаб жараён эканлигини тан оламан.

Дарҳақиқат, Абдулла Муҳаррамович нафақат олим, малакали мутахассис, балки авваламбор барча яхши фазилатларга эга инсон. Абдулла Муҳаррамович Убайдуллаев ҳозир ҳам сафда. Қадамлари залворли, фикрлари теран. Тилагимиз – устоз саломатликда узоқ умр кўрсин. Яна йиллар давомида устоздан дуо ва илмий ёрдамлар олиб туриш биз, шогирдларга, насиб қилсин.

**Примқул НАЗИРОВ,**
**профессор.**

# ИЛМ ВА АМАЛИЁТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР



***Маълумки, сил касаллиги асрлар оша инсоният ҳаётига хавф солиб келган ва бу касалликка қарши кураш ҳануз тўхтамаган. Ўтган асрнинг охирларига келиб силдан касалланиш, айниқса ўлим бир оз камайгандек бўлди-ю, лекин касалликни йўқ қилиш ўта оғир жараён эканлигига ҳам аниқлик киритилди.***

Дарҳақиқат, Республика ихтисослаштирилган пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида халқимиз саломатлиги йўлида муайян ишлар қилиниб, мазкур касалликнинг олдини олишда соҳа мутахассисларининг малакаси янада ошиб, имкониятлар кенгайди. Бу даргоҳ заминида ўнлаб фан докторлари, юзлаб фан номзодлари, минглаб олий малакали фтизиатр-шифокорлар етишиб чиққан.

1986 йилда мен ушбу марказга директор вазифасига тайинландим. Пульмонолог мутахассислигим боис сил билан оғриган беморларда касаллик клиникаси, кечишини аниқлаш усулларини яхши билар эдим. Юклатилган вазифага киришар эканман, институт бўлимлари билан яқиндан танишиб чиқдим ва ходимлар билан бирма-бир суҳбатлар ўтказдим. Асосий мақсад келажакда фан равнақига, силга қарши олиб бориладиган ишлар ривожига беминнат ҳисса қўша оладиган ходимларни аниқлашга қаратилган эди.

Танишиш жараёни давомида бир кун суяк-бўғим сили билан оғриган беморлар ётадиган бўлим ишини чуқур ўргандим. Маълум бўлдики, ушбу бўлим бўғимлар силидан зарурий фаолиятлари бутунлай ишдан чиққан, бир сўз билан айтганда, тўшакка михланиб қолган беморлар учун мўлжалланган экан. Афсуски, ўша кезларда бу ерда изланишлар олиб борилмас, илмий гуруҳ ҳам тузилмаган, даволаш ишлари, айниқса жарроҳлик муолажалари кўлами чегараланганди... Палаталарни кўриб юрганимизда, ёш мутахассис Примқул Назировнинг билим ва тажрибаси диққатимизни ўзига тортди.

Примқул Назиров 1986 йилда Новосибирск шаҳрида фан номзоди диссертациясини ҳимоя қилган ва Санкт-Петербургда суяк-бўғимлар сили йўналиши бўйича таҳсил олган экан. Менда ёш олимга нисбатан ишонч пайдо бўлди. У ўзининг меҳнатсеварлиги ва касбига бўлган меҳри билан жамоа орасида обрў-эътибор қозониб, катта илмий ходим даражасига кўтарилди. Шундан кейин унга докторлик диссертацияси устида ишлашни тавсия қилдим. Примқул шу тарзда илмий изланишларни бошлади. Номзодлик диссертацияси нафас аъзолари сили муоммоларига бағишлаган бўлса, докторлик ишлари эса бутунлай бошқа соҳа – суяк-бўғимлари сили диагностикаси ва жарроҳлик муалажалари самарасини ошириш билан боғлиқ эди.

Диссертация нисбатан қисқа фурсатда якунланиб, 1992 йилда Санкт-Петербург шаҳрида муваффақиятли ҳимоя қилинди. Примқул Назиров диссертация иши билан шуғулланиш жараёнида кўпроқ шу шаҳарда сафарда бўлиб, соҳанинг етук жарроҳлари билан ҳамкорликда ишлади ва умуртқа поғонаси, бўғимларда бажариладиган ўта оғир, катта ҳажмдаги жарроҳлик усулларини ҳам эгаллади.

Истеъдодли олим бир жойда тўхтаб қолмади, тиббиёт институтларини тугатган ёшларни кенг жалб этган ҳолда суяк-бўғимлар сили диагностикаси, давоси, айниқса жарроҳлик усулларини ривожлантириш, самарасини ошириш каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борди. Ўнга яқин фан номзодлари ва фан докторларига раҳбарлик қилди. Ҳозирга келиб нафақат марказ, балки республикамизнинг барча вилоятларида Примқул Назиров билан ҳамкорликда иш олиб бораётган мутахасислар гуруҳлари шаклланди. Натижада вилоятлардаги сил касалликлари шифохоналарида ҳам мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда. Примқул Назиров бугунга қадар ўнлаб илмий мақолалар, олтита монография ва икки жилдлик тиббий-энциклопедик луғат муаллифидир.

**Республикамизда, дарҳақиқат, ўзига хос устоз-шогирд мактаби мана шундай жараёнларда бунёд бўлмоқда. Примқул Назиров ҳамда унинг шогирдларига илмий салоҳиятлари йўлида омад ва ривож тилаб қоламан.**

**Абдулла УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**академик.**

# ҲАЁТ ДАВОМИЙЛИГИ ИЗДОШЛАРИМИЗДА

***Инсон улуғлигининг тимсоли унинг шогирдларида намоён бўлади. Дарҳақиқат, дарахт меваси билан қадрли. Устозларнинг меҳрини қозониб, ҳурматига сазовор бўлган шогирдлар фаолиятига тўхталар эканмиз, беихтиёр устоз-олим Рауф Абдуллаевич яна кўз олдимизда намоён бўлади.***

Олимнинг маслакдош дўстларидан бири Абдулла Муҳаррамович Республика ихтисослаштирилган пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори лавозимида ишлаб юрганида, тиббиёт фани равнақида ёшларнинг ўрни нақадар зарур эканлигини таъкидлаб келган. Республикамизда фтизиатрия фаолиятидаги камчиликларни англаган ҳолда, уларни бартараф этиш йўлларини излаган. Бу борада ўпкадан ташқари аъзолар сили соҳасида юқори малакали мутахассислар камчиликни ташкил қилар эди. Абдулла Муҳаррамович кўплаб ёшлар қатори эндигина институтни тугатиб келган Бахтиёр Жўраевни ҳам шу соҳага жалб қилди.

Бахтиёр Жўраев Самарқанд Давлат тиббиёт институтини тугатиб, Республика ихтисослаштирилган пульмонология ва фтизиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида устозлари Абдулла Муҳаррамович ва Примқул Назиров ҳамда Равшан Шокировичлардан фаннинг сир-асрорларини ўрганиб, касбий маҳоратини янада оширди. Етук мутахассис травматология соҳасидаги долзарб масалалар юзасидан илмини бойитди. 1989 йилда Санкт-Петербург шаҳрида малакали олимлардан суяк бўғимлар сили жарроҳлиги бўйича сабоқ олиб, тажрибали мутахассис даражасига кўтарилди. Республикамизнинг барча вилоятларида хизмат сафарларида бўлиб, услубий ва амалий ёрдам кўрсатган ҳолда жарроҳлик муолажаларини ҳам бажарди. Бир неча ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб аҳоли ўртасида сил касаллигининг тарқалиши, кечиши масалалари билан шуғулланиб, илмий изланишлар олиб борди.

Бахтиёр Жўраев фанда ўзига хос йўл танлади ва илк бор суяк-бўғим сили диагностикасида молекуляр спектроскопия усулини қўллади ва 1995 йилда "Орол бўйида яшовчи аҳолининг суяк-бўғим сили касаллигининг кечиши, диагностикаси ҳамда унинг давоси" мавзусида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозирги кунда у етук шифокор-жарроҳ, ўз ўрнига эга олим сифатида иш олиб бормоқда. Шунингдек, юздан ортиқ илмий мақолалар, методик қўлланмалар муаллифи.

Қаҳрамонимиз ҳали ёш, фанда, тиббиётда салмоқли ишларни амалга ошириши, кўплаб беморларни дарддан халос қилиши лозим. Издошлар бор экан, устозлар қадрланиб, уларнинг бой мерослари шогирдлар учун катта мактаб бўлиб, ҳаёт давом этаверади.

**Примқул НАЗИРОВ,**
**тиббиёт фанлари**
**доктори, профессор.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ 20 ЁШДА



***Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, яъни 1992 йил 20 ноябрида Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси тузилди ва унинг асосий вазифалари «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бажарилиши ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда фаол иштирок этиш, хусусий тизимни ривожлантириш, фахрий врачларни ижтимоий ҳимоялашда қатнашиш, уларнинг касбий тажрибасидан унумли фойдаланиш, ассоциация аъзоларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, врачларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар бўйича билим савиясини ошириш, хорижий мамлакатлар врачлар ассоциациялари билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, хорижий мутахассислар иштирокида конференциялар, симпозиумлар ҳамда ютуқларини амалиётга татбиқ этишдан иборат эди.***

Ўтган 20 йил давомида Ассоциация белгиланган вазифаларни сидқидилдан амалга ошириб келди. Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясида 14 та ҳудудий, (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларида), 8 та қўмита ва 11 та жамоа шаклида аъзо бўлган тиббиётнинг тор йўналишлари бўйича бўлимлар мавжуд. Унинг ҳозирги кундаги аъзолар сони ўттиз мингга яқинлашиб қолди. Ассоциация ўзининг мустақил журнали "Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси бюллетени"га эга бўлиб, унинг адади 10000 нусхага етди. Ҳозирда Ассоциация қошида амалий тиббиётнинг энг долзарб мавзуларини ёритувчи икинчи журнал "Вестник врача общей практики" 5000 нусхада чиқа бошлади.

Ўтган йигирма йил ичида Ассоциация уч босқичда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Кейинги йилларда аҳолига кўрсатилаётган хусусий тиббий ёрдамнинг ҳажми ва сифати яхшиланиб, уларнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланди, мамлакатимизда йирик, кўп профилли, сифатли ёрдам кўрсатадиган хусусий клиникалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. "Ижтимоий ҳимоя йили"да Президентимиз томонидан бошқа ташкилотлар қатори Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясига ҳам миннатдорчилик эълон қилинди. Ассоциациянинг халқаро мавқеи ҳам ортиб бормоқда. У бирнеча Форумлар, Ассоциацияларга аъзо. 2012 йилда Жанубий Корея Соғлиқни сақлаш индустрияси институти билан меморандум тузилган, Шарқий-жанубий Европа форумига, АҚШнинг аккредитация бўйича бирлашган комиссиясига аъзо бўлди. Таъкидлаш муҳимки, ўзининг 20 йиллигини нишонланаётган Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси шу йилнинг 20 ноябрида бўладиган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясининг ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясида мамлакатимиз мутахассислари билан бир қаторда, хорижий давлатлардаги тиббиёт Ассоциацияси вакилларининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

**Эркин ТУРСУНОВ,**
**Тошкент педиатрия**
**тиббиёт институти**
**профессори.**
**Азиза ШИРИНОВА,**
**ассистент.**

Мутахассис фикри

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ

***Кейинги йилларда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Таъкидлаш муҳимки, мазкур йўналиш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланаётир. Соғлом турмуш тарзи иборасининг замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу жамият тараққиётининг юксалишида асосий ўринга эга бўлиши табиий. Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзи бугунги кунда аҳоли орасида қандай аҳамият касб этаётир? Бу ҳақда Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори Зулхумор Муталова билан суҳбатда бўлдик.***

**– Зулхумор Жалоловна, соғлом турмуш тарзининг асосий тушунчалари нималардан иборат?**

– Ўтган асрнинг 80-йилларида саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда, кишилар узоқ ва бахтли умр кўришларида турмуш тарзи ҳамда уни соғломлаштириш энг муҳим тадбир эканлиги ҳам илмий, ҳам амалий томондан исботланди. Шундан бери турмуш тарзини соғломлаштириш хусусида кўп гапирилади.

Бугунги кунда ушбу масалага давлат даражасида эътибор қаратилиб, Президент фармонлари ва қарорларида ўз аксини топмоқда. Кенг жамоатчилик орасида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида мақолалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар бериб борилмоқда.

Шундай бўлсада, соғлом турмуш тарзи нима, деган саволлар туғилганда, баъзида кўпчилик умумий гапдан бошқа бирор-бир мантиқий тушунчага эга эмаслиги ҳам намоён бўлаётир.

Соғлом турмуш тарзи – бу фаол меҳнат, кучли жисмоний ва руҳий ҳолат, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енга оладиган, етукликка интилувчан шахснинг шаклланиш жараёнидир.

Соғлом турмуш тарзининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

*тўғри ва рационал овқатланиш;*

*ҳаракатли турмуш ва бадантарбия;*

*кун ва иш тартибини биологик қонуниятлар асосида ташкил қилиш;*

*жинсий тарбия, соғлом оила;*

*руҳий осойишталикни таъминлаш;*

*зарарли одатлардан воз кечиш;*

*шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш;*

*бахтсиз ҳодиса ва жароҳатлардан эҳтиёткорлик;*

*соғлом турмуш тарзи ҳақида билим ва малакага эга бўлиш.*

**– Соғлом турмуш тарзи масалаларида институт, унинг вилоят филиалларида қандай ишлар олиб борилмоқда?**

– Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, унинг тиббий маданиятини ошириш, жисмонан соғлом, руҳан тетик, интеллектуал авлодни вояга етказиш борасида катта ва самарали ишлар қилинмоқда.

Ҳозирда республикамизда Саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси филиалларидан ташқари, 57 та туман ва 14 та шаҳар марказлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жойлардаги тузилмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Оила” илмий маркази билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида, мактаблар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида соғлом турмуш тарзи асослари, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари, буклет, эслатма, плакат кўринишидаги кўргазмали-ахборот материаллари, радио, телевидение, газета ва журналлар орқали ҳам чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, институтимиз ходимлари жойларга чиқиб, мутахассисларга, қолаверса, тиббиёт, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, маҳалла, кенг жамоатчилик, барча ташкилотларда масъул бўлган ходимларга услубий ва амалий ёрдам бериб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек давлатимиз раҳбари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини тизимли равишда яхшилашнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи муассасалар фаолиятидаги профилактик йўналишни кучайтириш, тизимли равишда тиббий маданият, санитария ва гигиена ҳамда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини аҳолининг кенг қатламлари орасида татбиқ этиш мақсадида институт жамоаси жойларда изчил фаолият олиб бормоқда.

**– Ушбу йўналишда мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, коллежларда алоҳида дарс соатлари ажратилганми?**

– Ёшлар ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ҳамда таъсирчан услубда амалга ошириш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тиббий билимини оширишга қаратилган ўқув-машғулотлар жорий этилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги қарорига асосан барча мактабларда синфлар кесимида соғлом турмуш тарзи кўникмасини шакллантириш, ўз саломатлиги учун масъулият ҳиссини ошириш ва санитария-гигиенага оид билимларини кенгайтиришга йўналтирилган 17 соатлик махсус дарслар ўтилаётир.

Жорий йилнинг 15 майидаги ҳукумат қарорига мувофиқ таълим стандартларига ўзгартириш киритиш муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 16 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режаси тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинди. Унга асосан 1-4-синфларда “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Жисмоний тарбия”, “Ўқиш”, 5-6-7-9-синфларда “Биология”, “Меҳнат таълими”, “Жисмоний тарбия”, 8-синфда “Соғлом авлод асослари” дарслари таркибига соғлом турмуш тарзи кўникмасини шакллантиришга қаратилган ўқув соатлари жорий этилди.

Ушбу дарсларда ёшларга санитария-гигиена қоидаларига оид тушунчалар бериш, уларда зарарли одатларнинг олдини олиш, ОИВ инфекцияси ва ундан ҳимояланиш, репродуктив саломатлик, ўсмирлик даврининг руҳият муаммолари, атроф-муҳитнинг саломатликка салбий таъсирини камайтириш юзасидан кўникмаларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир ёшни ўзи учун соғлом турмуш тарзини танлаши, биринчи навбатда соғлиғи даражасини тиббий кўрикдан ўтиш йўли билан баҳолашга ҳам ўргатиш аҳамиятга молик масаладир.

**– Соғлом турмуш тарзи инсон умрини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, ёшларимизнинг бунга бўлган муносабати қандай?**

– Республика аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Улар ўртасида ижтимоий, маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ва таъсирчан услубда амалга ошириш учун ҳар бир таълим муассасасида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари хоҳиш-истаклари остида тегишли мавзулар кенг ёритиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 24 та олий ўқув юрти билан 2012-2013 ўқув йиллари учун талаба-ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича иш режалари тасдиқланиб, бугунги кунга қадар “Соғлом турмуш тарзи”, “Репродуктив саломатлик”, “Зарарли одатларнинг олдини олиш”, “Соғлом овқатланиш”, “ОИВ/ОИТС профилактикаси” мавзуларида давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Ана шундай самарали ишлар олиб борилсада, айрим ёшларимиз соғлом турмуш тарзи тушунчасидан хабардор эмас, тадбирларда иштирок этмаётгани боис ўз соғлиғига ҳам эътибор бермайди. Баъзида кўча-кўйда йигит-қизларимизнинг тамаки чекиши, спиртли ичимликлар истеъмол қилаётганини кўриб, келажакда улардан қандай ота-она, қандай оила вужудга келишини кўз олдимизга келтирамиз. Ёшларимизнинг очиқ-сочиқ кийиниши, тартибсиз овқатланиши, уяли алоқа воситаларидан узлуксиз фойдаланиши ҳам соғлиғи учун зарарлидир. Бунинг учун нафақат тиббиёт ходимлари, балки кенг жамоатчилик назорат-тарғибот ишларини доимий равишда олиб борсагина мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**– Тажрибали мутахассис сифатида кенг жамоатчиликнинг бу борадаги ўрнини қандай белгилайсиз?**

– Саволингиз жуда ўринли. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, соғлом турмуш тарзи давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Бунда, албатта, ҳамкорликда фаолият олиб бориш зарур. Бу борада, айниқса, биринчи навбатда маҳаллалар асосий ўрин эгаллайди. Зеро оилаларнинг турмуш тарзини кўпроқ маҳалла фаоллари яхши билади. Ҳудуддаги қишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиника вакиллари ҳам бу хусусда тегишли маълумотларга эга. Мактабгача тарбия муассасалари ходимлари эса санитария-гигиена қоидаларини тарбияланувчиларга ўз вақтида ўргатиб борса, ўқитувчилар дарс соатлари орқали соғлом турмуш тарзининг муҳим омиллари бўйича таълим-тарбия берса, ўсиб келаётган авлоднинг ўз соғлигига бўлган эътибори янада ошиб бораверади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўсмир ёшларимизнинг соғлигига эътибор қаратиш, олий ва ўрта таълим муассасаларида маънавий томондан уларнинг дунёқарашини шакллантириш тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Мавзуга хулоса қиладиган бўлсак, халқимизнинг “Бола бошидан”, деган бир ажойиб нақлини эсламоқ ўринли. Фарзанд тарбияси аввало оиладан, яъни ота-она масъуллигидан бошланса, у билан ёнма-ён кенг жамоатчиликнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоғи лозим.





**Ибодат СОАТОВА суҳбатлашди.**

*(Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмаги остида тайёрланди).*

Месячник борьбы с сахарным диабетом

# БОЛЕЗНЬ МОЖНО ПРЕОДОЛЕТЬ

## Нужно лишь твердо верить в свое выздоровление

***Как утвердительно ни звучало бы, это не просто очередное успокоение тех, кто страдает тем или иным недугом. Практика показывает и доказывает, что если заболел, можно вылечиться, строго следуя рекомендациям специалиста и правилам здорового образа жизни. Безусловно, немаловажное значение при этом имеют забота и внимание наших близких и родных. В мире выявлены сотни заболеваний – тяжелых или менее, и каждое из них может стать препятствием нормальной жизнедеятельности человека. Как утверждают специалисты, предостеречь себя от любой болезни можно, если время от времени проходить диспансеризацию. А это – без всякого преувеличения – и есть основа нашей медицинской культуры.***

В нашей стране на уровне государственной политики проводятся комплексные мероприятия в этом направлении, приняты специальные программы, направленные на повышение медицинской культуры человека, семьи и общества в целом. Насколько возрос за последнее время уровень медицинской культуры нашего населения, говорит, к примеру, активное посещение взрослого и молодого поколения "дней открытых дверей" – профилактических мероприятий, традиционно организуемых Республиканским специализированным научно-практическим медицинским центром эндокринологии (РСНПМЦЭ) совместно с семейными поликлиниками на местах в рамках месячника борьбы с сахарным диабетом.

***Ведущую роль в обеспечении целей и задач месячника борьбы с сахарным диабетом играет Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии.***

Как сообщили в РСНПМЦЭ, по сравнению с предыдущим годом, нынешний месячник еще более насыщен разнообразными мероприятиями, в частности, организовываются семинары-тренинги, беседы за "круглым столом", тематические конференции и, конечно же, обследование всех желающих узкими специалистами-эндокринологами. Кроме того, соответствующие мероприятия разъяснительно-познавательного характера проходят в эти дни и в учебных заведениях, трудовых коллективах.

И, как уже отмечалось, ведущую роль в обеспечении целей и задач месячника играет Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии.

– У несведущих может возникнуть вопрос, с чем связано столь обширное проведение профилактики сахарного диабета, – разъясняет заведующая отделением диабетической нефропатии и гемодиализа РСНПМЦЭ Мохира Айходжаева. – К сожалению, эта болезнь широко распространена во всем мире. Известно, что свыше 36 миллионов человек страдают сахарным диабетом. Не исключение в том и наша республика. По последним данным, у нас зарегистрировано почти 129 тысяч страдающих сахарным диабетом, каждый из которых находится под контролем врача-эндокринолога. Думается, эти цифры явно дают понять, насколько важно человеку быть внимательным к своему здоровью, и особенно, если он страдает сахарным диабетом, поскольку это заболевание относится к категории хронических, значит, требует постоянной профилактики и наблюдения. Прохождение обследования в "дни открытых дверей", да и в будни тоже, позволяет своевременно выявить болезнь и принять необходимые меры, чтобы предотвратить крайние последствия. Хотелось бы подчеркнуть, что даже при наличии в организме этого заболевания, если соблюдать все предписания специалиста, можно прожить долгую и содержательную жизнь.

Во всем мире ежегодно 14 ноября отмечается как день борьбы с диабетом. По данным медицинских источников, эта дата ассоциируется с именем одного из основателей инсулина Фредерика Бантинга. Этот день был основан Международной диабетической федерацией и Всемирной организацией здравоохранения в 1991 году с целью повышения осведомленности людей о сахарном диабете и его осложнениях, а также разработки методов борьбы с этим заболеванием. В нашей стране в целях предотвращения заболевания сахарным диабетом, утверждения среди населения здорового образа жизни, повышения эффективности профилактики и диагностики с 2007 года весь ноябрь проходит как месячник борьбы с сахарными диабетом.

***В мире свыше 36 миллионов человек страдают сахарным диабетом. По последним данным, в Узбекистане зарегистрировано почти 129 тысяч страдающих сахарным диабетом, каждый из которых находится под контролем врача-эндокринолога.***

– А одно из важнейших правил при сахарном диабете – это грамотное и активное участие самого больного с диабетом в своем лечебном процессе, – подчеркивает заведующая консультативно-диагностической поликлиникой РСНПМЦЭ Мадина Ахмедова. – Наверное, каждый больной диабетом, вернее, не наверное, а именно каждый должен прежде всего обладать необходимыми знаниями об этом заболевании, на что и направлены мероприятия месячника борьбы с сахарным диабетом, в рамках которого, кроме всего, запланирован цикл встреч-диалогов специалистов и пациентов, сопровождаемых наглядными видеоматериалами. Пользуясь предоставленной возможностью, также хотелось бы напомнить, что наша поликлиника, будучи структурным подразделением Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии, осуществляет ежедневный прием и обследование до двухсот пациентов эндокринного профиля с участием ведущих специалистов всех отделений центра, привлекая при этом весь лабораторно-диагностический комплекс, оснащенный современным оборудованием и аппаратами. Прием осуществляется как по направлению, так и непосредственно. Пациенты могут пройти полное эндокринологическое обследование и получить квалифицированную помощь узких специалистов. При выявлении заболевания диабетом больной ставится на учет по месту жительства в семейной поликлинике и ежемесячно проходит обследование. При необходимости наша консультативно-диагностическая поликлиника проводит подготовку к госпитализации в отделения стационара центра, а также наблюдение после прохождения лечения.





Вновь обращаемся к медицинским источникам. Эндокринная система – одна из важных составляющих живого организма, которая регулирует работу органов, обменные процессы, также поддерживает состояние равновесия в организме. Эндокринология (от греческого слова "эндо" – внутрь, "крино" – выделяю, "логос" – слово, наука) – наука о строении и функции желез внутренней секреции (эндокринных желез), вырабатываемых ими продуктах (т.е. на языке медицины – гормонах), о путях их образования и действия на организм человека, а также заболеваниях, вызываемых нарушением функции этих желез или действия этих гормонов.

***Эндокринология (от греческого слова "эндо" – внутрь, "крино" – выделяю, "логос" – слово, наука) – наука о строении и функции желез внутренней секреции (эндокринных желез), вырабатываемых ими продуктах (т.е. на языке медицины – гормонах), о путях их образования и действия на организм человека, а также заболеваниях, вызываемых нарушением функции этих желез или действия этих гормонов.***

Сахарный диабет – одно из самых распространенных эндокринных заболеваний. Различают сахарный диабет двух типов. При первом происходит критическое снижение уровня гормона инсулина в крови, соответственно, пациенты с таким диагнозом становятся инсулинозависимыми и постоянно производят инъекции данного гормона. При диабете второго типа инсулин вырабатывается в нормальных или даже в повышенных количествах, но нарушается механизм его взаимодействия с клетками организма. В таком случае пациентам прописывается диета и сахароснижающие препараты.

– Эта болезнь носит как наследственный характер, так и приобретенный. Ну а главными ее причинами, – разъясняет заведующая отделением общей эндокринологии № 3 РСНПМЦЭ Дина Есимова, – являются нездоровый и малоподвижный образ жизни, неправильное и нерациональное питание. Вот почему так важно всем нам, независимо от возраста, прежде всего постоянно заниматься гимнастикой. В целях повышения знаний населения об этом заболевании, популяризации здорового образа жизни в рамках проходящего очередного месячника борьбы с сахарным диабетом организовываются спортивные соревнования, марафоны, разъяснительные беседы, научно-практические конференции, посвященные актуальным вопросам эндокринологии и сахарного диабета, другие культурно-просветительские мероприятия. Наш центр является своего рода научно-практическим координатором в этом направлении медицины, но хотелось бы отметить, что сегодня все сельские врачебные пункты и семейные поликлиники полностью обеспечены лабораторно-аналитическими средствами, необходимыми для диагностики сахарного диабета. В территориальных медицинских учреждениях и эндокринологических диспансерах также созданы все условия для прохождения медицинского обследования и лечения. Надо сказать, что больные обеспечиваются необходимыми препаратами бесплатно. Финансовые расходы на этот счет полностью берет на себя государство.

***Консультативно-диагностическая поликлиника, будучи структурным подразделением Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии, осуществляет ежедневный прием и обследование до двухсот пациентов эндокринного профиля с участием ведущих специалистов всех отделений центра, привлекая при этом весь лабораторно-диагностический комплекс, оснащенный современным оборудованием.***

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии создан в соответствии с Указом Президента страны от 19 сентября 2007 года "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановлением руководства республики от 2 октября 2007 года "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики". Центр является уникальным и ведущим в Узбекистане современным лечебно-диагностическим, научно-исследовательским и педагогическим комплексом эндокринологического профиля.

**(Продолжение на 8-й стр.)**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Месячник борьбы с сахарным диабетом*

# БОЛЕЗНЬ МОЖНО ПРЕОДОЛЕТЬ

## Нужно лишь твердо верить в свое выздоровление







По информации главного врача центра Ферузы Хайдаровой, одной из приоритетных задач РСНПМЦЭ является ликвидация йододефицитных состояний, современный подход к диагностике и лечению сахарного диабета, организации мероприятий по лечению патологии щитовидной железы, включая различные виды дифференцированного рака щитовидной железы, которые включают в себя оперативные пособия и методы нуклеарной медицины. Кроме этого, создание регистра различных форм аденом гипофиза и заболеваний надпочечников, внедрение международных стандартов лечения нейроэндокринных больных, внедрение высокотехнологических методов оперативного лечения различных аденом гипофиза также считаются основными задачами центра.

Ведущим также обозначено направление детской эндокринологии с иммуногенетикой – это единственное подразделение, оказывающее помощь детскому населению в республике по всем направлениям эндокринологии.

В центре ведут свою деятельность узкие специалисты самых различных направлений, таких, как тиреоидология, эндокринная хирургия, диабетология, нейроэндокринология, нейрохирургия, репродуктивная эндокринология, другие. Почти 80 процентов клинических сотрудников центра имеют высшую врачебную категорию, а за более чем двадцать лет независимости нашей страны при специализированном кенгаше РСНПМЦЭ защитили исследовательские работы более 120 ученых, которым присвоены научные степени кандидата и доктора наук.

Ученые и клиницисты центра ведут научные исследования по основным и приоритетным проблемам эндокринологии, результаты которых отражены в восьми опубликованных монографиях, почти 120 методических и практических рекомендациях, свыше 1,2 тысячи научных статьях; на научные изобретения и практические внедрения получено почти тридцать патентов. На базе центра проходят обучение клинические ординаторы, магистры, здесь повышают свою квалификацию эндокринологи из других регионов нашей страны. Центр поддерживает научно-практические связи с госпиталем Святого Варфоломея (Великобритания) в области нейроэндокринологии, Токийским и Киотским университетами (Япония), Лилльским и Марсельским университетами (Франция), Огайским и Калифорнийским униерситетами (США), поддерживает контакты с Европейским региональным бюро ВОЗ (г. Копенгаген), ЮНИСЕФ, МАГАТЭ, другими международными организациями.

В 2007 году в целях борьбы с недостаточностью йода и профилактики йододефицитных заболеваний был принят Закон Республики Узбекистан "О профилактике йододефицитных заболеваний". Мероприятия по исполнению закона позволили сократить распространённость эндемического зоба в республике более чем в два с половиной раза. В этом немалая заслуга коллектива РСНПМЦЭ.

Беседуя со специалистами центра, мы как бы уяснили, что сахарный диабет – заболевание хроническое. Вместе с тем в ходе обзора опубликованных тематических материалов мы наткнулись на один интересный факт. Как сообщает один из ведущих сайтов на домене uz, узбекские ученые получили результаты, обнадеживающие на скорое исключение сахарного диабета второго типа (инсулиннезависимый диабет) из списка неизлечимых заболеваний. Специалисты Ташкентского института усовершенствования врачей и Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра эндокринологии продолжают развивать выдвинутую ими глюкокортикоид-метаболическую теорию сахарного диабета второго типа и разрабатывать основанные на том новые подходы к лечению этого заболевания. Первые результаты говорят о том, что диабет можно излечить. Пока не будем далее комментировать новизну этой теории и ограничимся высказанным утверждением. Все болезни можно преодолеть, нужно только верить в свое выздоровление.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

(Окончание. Начало на 7-й стр.)

## Благодарность

# Спасибо за заботу и участие

Для врачей, помогающих пациентам в самые сложные и порой безнадежные моменты их жизни, нет ничего ценнее слов искренней благодарности. На страницах нашего издания их выражают люди, которым профессионалы своего дела подарили надежду на выздоровление, помогли вернуть веру в лучшее.

Родители и родственники, чьи дети и близкие находятся на длительном лечении в Ташкентской республиканской психиатрической больнице, выражают большую благодарность одному из лучших специалистов – профессионально грамотному главврачу Н. Абдуллаевой, которая чужую боль воспринимает как свою собственную, всегда внимательна и отзывчива, подходит к работе ответственно. А также заведующему 6-м отделением больницы Т. Сабирову, – честному, строгому и требовательному всегда по существу человеку, в его лице и всему медперсоналу отделения.

* * *

Владимир Шевченко – бывший пациент ведущего хирурга Ташкентского областного онкологического диспансера Азиза Хамдамова выражает слова искренней признательности врачу, подарившему ему и многим другим тяжело больным людям надежду на будущее. Он первым внедрил в стенах больницы пластическую операцию по защите послеоперационных дефектов, после чего пациенты полностью выздоравливают. В настоящее время он занимается вопросами онкологии позвоночника и костей скелета. Эта область науки пока мало изучена, но Азиз Хамдамов твердо верит, что в скором будущем вернет здоровье людям, которые так в этом нуждаются. Вселяют веру в жизнь тем, кто отчаялся и с ужасом ощутил свою беспомощность, также и ученики Хамдамова И.Ходжаева, М.Тухтабаева, которые уже проводят самостоятельные операции. Это В.Шевченко желает Азизу Хамдамову и всему коллективу больницы долгого и плодотворного труда.

* * *

Ольга Иванова, жительница города Самарканда, выражает слова искренней благодарности за поддержку и помощь врачам городской больницы, поликлиник №№10, 11, 4, областной и городской ВТЭК.

*Обуна – 2013*



**Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана»
газетасига 2013 учун
обуна мавсуми давом этмоқда.
Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз севимли газетангизга
обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.**

**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ**
**Нашр учун масъул**
**Бош муҳаррир ўринбосари**
**Ибодат СОАТОВА**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.**

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.**
**Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 6214 нусха.**
**Буюртма Г-1145.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.